




Тарбияда

101

Қадам

Усмон Нури Тўпбош



Истанбул - 1444 х / 2022

© “ЭРКАМ” Нашриёти - 1444 / 2022

Тарбияда 101 кадам

Усмон Нури Тўпбош

Таржима нусхасининг асли: Eğitimde 101 Adım

Муаллиф: Усмон Нури Тўпбош

Таржимон: Абдулхамид Зайриев

Мухаррирлар: Султонбек Имомназаров

Сурайё Салохутдинова

Саҳифаловчи: Бахтишод Эсанов

Ношир ва маслаҳатчи: Одил Ҳамидов

Саҳифалаш ва Муқова: Росим Шокир ўғли

ISBN: 978-625-440-449-8

Адрес: İkitelli Organize Sanayi Bölgesi
Mahallesi, Atatürk Bulvarı, Haseyad
1. Kısım No: 60/3-C, Başakşehir,
İstanbul - Türkiye

Тел: +90 212 671 0700 pbx

Факс: +90 212 671 0748

Электрон почта: info@islamicpublishing.org

Веб-сайт: www.islamicpublishing.org

Language: Uzbek



Тарбияда
101
қадам

Усмон Нури Тўпбош






***Каломнинг энг гўзали шубҳасиз
Аллоҳнинг Каломида мужассам:***

**Аллоҳ сенга яхшилик қилганидек, сен ҳам
яхшилик қил. (Қасос сураси, 77)**

**Сўнгра ўша кунда, албатта, берилган
неъматлардан сўраласиз. (Тақосур сураси, 8)**





1

*Тарбия она қорнида бошланади. Она
инсоннинг энг биринчи мураббийсидир.*





2

*Фарзанд неъматни ота-онага ва устоз-
мураббийга улар яхшиликларни ғамлаб
олишлари учун ато этилган илоҳий
омонатлардир.*



3

*Бир ота-онанинг ўз фарзандига
қолдирадиган энг афзал мероси гўзал
ахлоқ, соғлом табиат ва шахсиятдир.
Бу эса тўғри тарбияга боғлиқ.*





4



*Яратилмишлар ичида тарбияга энг кўп
муҳтож бўлгани инсондир. Ҳаётдаги
олий масъулият эса инсонни вояга
етказишдир. Аллоҳ таоло энг улуғ
мураббийлар қилиб пайғамбарларни
юборган. Яъни тарбия иши
пайғамбарга хосдир.*





5

*Устоз-мураббий фақатгина маълумот
берувчи эмас, қалбан яқинлик
уруғларини экувчи, дунёқарашни
кенгайтирувчи, соғлом ақлга чорловчи,
йўл-йўриқ ва одобларни ўргатувчидир.
Яъни мураббий тарбияланувчисида
соғлом виждон барпо қилувчидир.*





6

Бир болани тарбиялаб улғайтиришда уни уй-жой билан таъминлаш, қорнини тўйдиришнинг ўзи етарли эмас. Балки унинг ақлий ва руҳий дунёсини илм ва маърифат ила безатиш даркор.





7


*Устоз-мураббий тарбияланувчисини
чин эътиқодли инсон қилиб
тарбиялаши лозим. Унда фақатгина
зоҳирий илмларга эмас, маънавиятга,
сир ва ҳикматларга ҳам қизиқиш
уйғота олиши керак.*





8

*Маънавиятдан маҳрум ҳолда бир
томонлама берилган тарбия
нуқсонлидир. Модда ва маъно
мувозанати шарт. Акс ҳолда,
толиби илм бир қанот билан учишга
уринаётган қуш мисоли оч йиртқичга
осонгина ўлжа бўлиши мумкин.*





9

Ҳаёт оқимиға (яъни давр талабига)
мослаша олмаган ҳар қандай
мавжудот вақт ўтиб йўқ бўлиб
кетишга маҳкумдир. Алий розияллоҳу
анҳу бу борада шундай деганлар:
“Фарзандларингизни ўзингиз тарбия
топган даврга кўра эмас, улар
яшайдиган даврга кўра тарбиялаб
улғайтиринг”.







10

*Ўзгалар ғамини егувчи тўғри тарбия
топган фидойи кишиларинг бор бўлса,
сен ғолиб миллатсан, акс ҳолда,
мағлубсан!*



11

Бир миллатнинг истиқболини кўра олиш каромат эмас, бунни билиш учун унинг ёшларига қараш кифоядир. Агар улар куч-қувватларини яхшилик, маънавият ва фазилат йўлида сарфлаётган бўлсалар ўша миллатнинг келажаги ёруғдир. Бунинг аксича бор кучини зўравонликка, нафсоний хоҳиш-истакларга сарфлаётган бўлишса, оқибат қайғулидир.





12

*Сармоя киритиш учун энг самарали
соҳа ахтарилади. Тарбия эса сармоя
кiritиладиган энг муҳим соҳадир.
Истиқболга тегишли энг тўғри ҳисоб
комил инсон тарбиясидир.*





13


*Устоз-мураббий қалбларда ўзига
нисбатан ҳайратланиш ҳисси
уйғотадиган соғлом табиат намоён
этиши, марҳамат кўрсатиши,
қалбидан чин инсоний руҳият, ижобий
ва самарали куч-қувват ёйиши керак.*





14

*Айтганлари билан қилган амаллари
бир-бирига мос келмайдиган кимсанинг
одамларни ўзига ишонтира олиши
имконсиз. Улуғлар айтганидек: “Кўзгуси
ишдир кишининг, сўзга қаралмас”.*






15

*Устоз-мураббий олийжаноб
фазилатлари, гўзал ҳаёт йўли ила
ўзгаларга ўрнак бўла олиши керак.*







16



Устоз-мураббий ўз атрофига мусбат
энергия ёйиши зарур. Ҳайвонот
оламидаги кузатувлар ҳам кишини
таъсирлантиради: товуқ жўжаларини
қанотлари остида ҳимоя қилади.
Илон ўз қарашлари билан болаларини
улғайтиради. Чаён эса болаларини
устида олиб юради. Бас, шундай экан,
инсон ҳақида гап бўлиши
мумкин эмас.





17

*Ишонч ва тартиб бўлмаган жойда
мукаммал тарбияга эга бўлинмайди.
Устоз-мураббий атрофидагиларга
ўзидаги соғлом тарбияни кўрсата
олиши керак. Зеро, инсонлар соғлом
тарбияли, намунали шахсларга ҳавас
қиладилар ва уларга эргашадилар.*



Жамоат олдинги сафдагиларга қараб шаклланади. Асри саодат Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг руҳий таъсирлари билан шаклланди. Асҳоби суффа бунинг энг ёрқин мисolidир. Суффа талабаларидан бўлган Абдуллоҳ ибн Масъуд набавий тарбия остида ўзлари етган даража ҳақида: “Биз ҳалқумимиздан ўтаётган луқмаларнинг зикрини эшитар эдик”, деганлар.



19



*Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва
салламнинг асосий қўллаган тарбия
услуглари —суҳбат ва панд-насиҳат эди.
Зеро, суҳбатда қалбий боғланиш бор.*





20


*Устоз-мураббий ўзига омонат
қилиб топширилган ҳар бир ўқувчи-
тарбияланувчи келажакнинг энг етук
шахсларидан бири бўлиши мумкинлиги
эҳтимолини ҳисобга олиши, эҳтимол
дунёни ўзгартира оладиган доҳийлар
ўз қўли остида бўлиши мумкинлигини
унутмаслиги лозим.*





21

*Устоз-мураббий ижобий самарага
эга бўлиши учун ўз устида тинмай
ишлаши лозим. Ўз устида мунтазам
ишлаш (комиллик сари интилиш)
устоз-мураббийнинг кундалик
вазифасига айланиши керак.*





*Акс ҳолда, кўплаб қобилият ва
истеъдодлар унинг лаёқатсизлиги
туфайли ўсмай қолиши мумкин.*



22

*Сифатли таълим-тарбия кўрган
авлод фақатгина ана шундай устоз-
мураббийларнинг, яъни илм ва ахлоқ
жиҳатидан тарбияловчи комил
шахсларнинг асаридир. Сифатсиз ва
васфсиз кимсалар тарбиялаганлар эса
ўзларига ўхшаб нуқсонли ва лаёқатсиз
кишилардан иборат бўлади.*





23

*Мукаммал талабамиз бўлишини
хоҳласак, ўзимиз ҳам мукаммал устоз-
мураббий бўлишга мажбурмиз.*



24

*Таъмирланган нарса таъмирчининг
маҳоратидан дарак беради. Устоз-
мураббийнинг сифати ҳам у таълим-
тарбия берган ўқувчига қараб
баҳоланади.*





25

Устоз-мураббийнинг ўз устида ишлаши
муҳим масъулиятдир. Зеро, яроқсиз
устоз-мураббий ўзига омонат қилиб
топширилган ўқувчиларнинг вақтини
исроф қилаётган бўлади.





26

Чўпон ўз подасига жавобгардир.
Шунинг учун ҳам у ўзини оёғи
шикастланган қўзичоқни қучоқлаб
олиб юришга мажбур деб билиши
керак. Худди шундай ўқувчилар
масъулияти ҳам устоз-мураббийнинг
зиммасидадир.



*Ҳар бир инсон ўз айтар сўзи муҳим ва
қадрли эканига ишонади ва бошқалар
томонидан эътиборга олинишини
хоҳлайди. Шу сабабли устоз-мураббий
ҳар қандай масалада мурожаат қилган
ўқувчисини жиддий эътибор ва диққат
билан тинглаши лозим.*



28

*Устоз-мураббий ўқувчисини жиддий
қабул қилиши, уни қадрлаши ва бун
ўз хатти-ҳаракатлари билан унга
билдириши керак.*



29

*Осмонга бўй чўзган чинордек
истеъдодга эга ўқувчисини кичик бир
новдага айлантириб қўйган устоз-
мураббий Аллоҳ ҳузурида сўралади.*




30

*Устоз-мураббий ҳар бир ўқувчисининг
феъл-атворини яхши билиши ва
руҳиятига кира олиши керак.*



31

Феъл-атвор ва шахсиятлар хилма-хил
бўлгани сабаб, битта услуб ёки тавсия
бир ўқувчига фойда берса, бошқасига
зарар бериши мумкин. Шу боисдан
устоз-мураббий ўқувчиларининг
маънавий жиҳатларини, айниқса,
феъл-атворини яқиндан ўрганиши
лозим.



Устоз-мураббий кимнинг нимага
қобилияти бўлса, уни ўша
жиҳатдан ривожлантира олиш
учун ўқувчиларининг феъл-атвор ва
истеъдодини ўз исмини билгандек аниқ
билиши лозим.

Бугунги кунда шундай даврда
яшамоқдамизки, кўплаб инсонлар селда
оқиб кетаётган шох-шаббалардек онгсиз
равишда “оқиб” кетмоқдалар. Ундан
ҳам ачинарлиси шуки, оқиб ўтаётган
ерларига ҳаёт бахш этадиган кучдаги
қанчадан-қанча “дарёю сойлар” аҳли
бўлмаган кишилар томонидан тўғри
йўналиш берилмагани учун, афсуски,
бефойда “оқиб” кетмоқдалар.



34


*Устоз-мураббий ўқувчиларига
нисбатан меҳрибон, адолатли ва
инсофли бўлиши, уларга уддалай
олмайдиган вазифалар юкламай,
аксинча, тоқати нисбатидида вазифа
бериши керак.*





35

*Адолатли устоз синфдаги барчанинг
муштарак устозидир. Адолат
бўлмаган синфда ҳаловат бўлмайди,
ҳаловат йўқ жойда дарс бўлмайди.
Дарс (юқори кайфиятда) бўлмаган
жойда эса таълим-тарбия бўлмайди.*





36

*Устоз-мураббий барчага тенг
муносабатда бўлиши, ўзидаги
бор билимини ўқувчиларга тенг
тақсимлаши даркор.*



37

*Устоз-мураббий ҳар вақт ва ҳар
хусусда адолатли бўлмоғи керак.*



38

*Устоз-мураббий синфнинг таркиби,
ўтадиган мавзусини эътиборга олиб
режа тузмоғи керакки, дарси яна ҳам
самарали бўлсин.*



39

Режали ва тартибли иш тутган ҳар қандай устоз-мураббий шу орқали мавзуда қаерга келгани, нимани тушунтириб бергани ва қанчалик натижа олганини кўра олади.



40

*Устоз дарсини режалаштираётганда
таълим услубларини қаерда, қачон ва
қандай қўллашига эътиборли бўлиши
керак.*



41

Устоз-мураббий ўз вазифаси фақат
маълумот етказиб беришдан иборат
эмаслигини билиши, дарс мавзусига
оид лавҳалар, мисоллар келтириб,
ўқувчилар эътиборини жалб қила
олиши ҳамда дарсни ҳаёт билан
боғлаган ҳолда, савол-жавоб услубидан
фойдаланиши мақсадга мувофиқдир.





42

*Таълим-тарбияда муваффақиятнинг
энг асосий калити — сабр, сабот ва
фидойиликдир.*



43

*Таълим-тарбия фидойиси
хатар ва қийинчиликлар олдида
эсанкирамаслиги, аксинча, ҳар қандай
оғир шароитларда яна ҳам кўпроқ куч
топиши, тадбирли бўлгани ҳолда,
доимо олдинга интилиши лозим.*



*Устоз-мураббий умидсизлик,
тушкунликдан йироқ бўлиши даркор.*



45

*Қалбларга абадий саодат, куч-қувват
берувчи оби ҳаёт қийин пайтлар ва
машаққат диёрларида яширинган
бўлиши мумкин. Зеро, ҳаётнинг
қадрли ва баракалилиги олий мақсад
йўлида кўрсатиладиган ғайрат ва
фидойиликнинг натижасидир.*





46

Таълим-тарбия ўткинчи эҳтирос
эмас. У охирги нафасгача муҳаббат
ва жўшқинлик билан бажариш лозим
бўлган вазифадир. Шунга кўра, устоз-
мураббийнинг озиғи — сабр, суянчи
Аллоҳ бўлмоғи лозим.





47

*Устоз-мураббий ҳар қандай ҳолатда
иймон жўшқинлигини сақлаб қолиши,
қалбини мол-мулк, шахсий манфаат,
ҳафсаласиз, масъулиятсизликдан йироқ
қилиши лозим.*





48

*Устоз-мураббий вазифасини деб оиласи
ва тирикчилигини бир четга суриб
қўйиши тўғри бўлмаганидек, уларни
деб устозлик масъулиятини ташлаб
қўйиши ҳам тўғри бўлмайди.*



49

*Устоз-мураббий қўлга кирита олмаган
имкониятлардан қайғурмаслиги,
киритганларидан эса жуда ҳам
қувониб кетмаслиги даркор.*



50

*Устоз-мураббий, албатта,
ўқувчиларига иш вақтидан ташқарида
ҳам вақт ажратиши керак.*



51

*Устоз-мураббий муаммо пайдо
қиладиган эмас, муаммога ечим
топадиган бўлиши керак. Ишни гап
ва танқиддан иборат деб билиб,
камчилик ва нуқсон ахтариш ўрнига,
воқеаларга реал ва ижобий ёндаша
олиши лозим.*



*Устоз-мураббий бошқаларнинг
вазифадаги оқсоқликлари туфайли
уларни айбламаслиги, балки айб ва
нуқсонни ўзидан ҳам излаши керак.*



53

Ўқувчисини қобилиятсиз дея сабаб-
баҳона кўрсатадиган устоз-
мураббийга Аллоҳ тош деворнинг
ичидан анжир дарахтини чиқариб, ўша
дарахтдан мева етиштирган ҳолда
жавоб қайтаради.



*Таълим-тарбия машаққатлар олдида
шикоятни унутиш санъатидир.
Сабрсизлик ва шикоят бошланган
жойда таълим-тарбия чекинади.*

*Устоз-мураббий имконият ва фурсат
ўзича пайдо бўлишини кутмайди.
У ҳамиша ҳаракатда, ташаббус
иштиёқда бўлиши керак.*



56

*Таълим-тарбия хотиржам ўтириш
эмас. Таълим-тарбия катта куч-
қувват талаб қилади. Бунда қалб
иймон қуввати или тўлиб-тошиши
керак.*

*Шижоат ва фаоллик билан сочилган
маърифат уруғлари келажак
чинорларидир.*

*Устоз-мураббий инсонлар томонидан
яхши қабул қилинган ва риоя қилиш
лозим бўлган одоб-ахлоқ қоидаларини
яхши билиши ва уларни ҳеч қачон
эътиборсиз қолдирмаслиги керак.*



59

*Кучли, нозик ва мулойим ҳиссиётларга
эга устоз-мураббий вазифасини
ибодат руҳияти билан бажариши, ҳеч
кимни ранжитмаслиги ва ҳеч кимдан
ранжида ҳам бўлмаслиги керак. Шунини
унутмаслик керакки, қалблар Аллоҳ
таолонинг назаргоҳидир.*





60


*Устоз-мураббий ҳар бир ҳолат ва
хатти-ҳаракатига эътиборли бўлиши,
ҳатто ҳазил-мутойибада ҳам одоб-
ахлоқ қоидаларига риоя қилиши керак.*



61

*Устоз-мураббий самимийлик ва
лоқайдлик, камтарлик ва хорлик,
виқор ва кибрни ажратиб турувчи
чегараларга эътиборли бўлиши, уларни
бир-бирига аралаштириб юбормаслиги
даркор.*





62

Устоз-мураббий ҳар қачон, айниқса,
синфда ўқувчилар орасида чин
мусулмонга хос тарзда иш тутиши,
қилган ҳар бир хатти-ҳаракати,
айтган ҳар бир сўзи ўқувчиларининг
шахсият биноларига қўйилаётган
бир ғишт ўрнида эканини асло эсдан
чиқармаслиги лозим.





63

*Устоз-мураббий ўзидаги ҳар бир
ҳолат ўқувчилар томонидан кузатиб
борилаётганлигини эътиборга олиши
ва бунинг масъулиятини ҳис қилиши
керак.*





64

*Устоз-мураббий кечиримли
бўлиши даркор.*



65

*Хар бир инсон ширин сўз ва
таважжуҳга муҳтождир. Гўзал
муомала душманни дўстга
айлантиради, дўст ва яқинларнинг эса
муҳаббатини янада оширади.*



66

*Қўполлик, бағритошлик, дағаллик
билан инсонни тарбиялаб бўлмайди.*

Тартиб-интизом дея мураббийнинг ўз
қўл остидагиларига зулм қилишини
асло маъқуллаб бўлмайди.

Ортиқча қаттиққўллик нафрат пайдо
қилади. Бағрикенгликнинг ортиғи
ҳам бошқарувни заифлаштиради.
Муваффақият мана шу иккиси орасида
мувозанатни ушлай олиш билан
мукаммал бўлади.

Устоз-мураббий сўзни мулойим
ва чиройли айтиши, доим яхши
нарсаларни гапириши керак. Зеро, ҳеч
ким дағаллик, қўрсликни ёқтирмайди.
Қалбларга кира олишнинг энг яхши
йўли ширин сўз, мулойимлик ва
тавозедир.



70

*Ғазабланган ва кайфияти дуруст
бўлмаган устоз-мураббий дарсга
кириш олдидан ўзидаги ҳолатни енга
олиши керак.*



71


*Устоз-мураббий тарбияда жуда
эҳтиёткор, ниҳоятда босиқ ва
тадбирли бўлмоғи лозимки, зеро,
бунинг акси унинг жиддий нуқсони ва
камчилигидир.*

Инсон доим ҳиссиётлари таъсири
остидадир. У билан фикр юритади
ва қарор беради. Шундай экан, устоз-
мураббий маслаҳат билан иш тутиши
даркор. Бу унинг вазифаларини
нечоғлиқ тўғри ва баракали бўлишини
таъминлайди.



73

*Қалби тоза руҳий ҳолатдаги
ўқитувчининг ўз ўқувчиларига
кўрсатадиган таъсирини мисоли
атиргул, чиннигул ва нафис гуллар
билан безанган боғ устидан эсан
шаббоданинг баҳор қувончини элтувчи
латиф исларига қиёслаш мумкин.*



*Дунё учта нарса ила, яъни қалбингдаги
яхши ният, тилингдаги яхши сўз ва
қўлингдаги яхши амал билан ислоҳ
бўлади.*



75

*Камолот соҳиблари абадий нажотга
эришиш учун атрофида таълим-
тарбия, хизмат ва марҳамат билан
қутқариладиган бошқа инсонларни
излайдилар.*



76

*Ҳақиқий фатҳ қалблар фатҳидир.
Киши бошқаларнинг қалбидан жой
олиши учун, аввало, ўзининг қалбини
фатҳ эта олиши даркор.*



Ўрнат бўла оладиган устоз-мураббий
қалб устасидир. Таълим-тарбия
фидойиси эса руҳларга абадий ҳаётни
эмлайдиган қалб табибидир.



78


*Мураббийнинг қалби Холиқнинг назари
билан махлуқотга қараш тарзига эга
бўлиб, маънавий жонлантириш ўчоғига
айланмоғи лозим.*



79

*Самимият ила қилинган ҳаракатда
кўплаб муаммолар ечим топади. Биз
кимнинг муаммосини ҳал қилишга
кўмаклашсак, унинг қалбини ўзимизга
ошно қиламиз ва бундан ажр оламиз.*

*Кимларни бой берсак, уларнинг
масъулияти ҳам елкамизда бўлади.*





80

*Муҳаббатнинг мезони фидойиликдир.
Қуруқ гап ҳеч нарсани англамайди.
Мавлоно Жалолиддин Румий “Сўзнинг
масхараси бўлма” деганлар. Муҳаббат
даъвоси ҳам фидойилик билан
исботланишга муҳтождир.*





81

*Устоз-мураббий ўз ўқувчиларининг
дардларига ҳамдард бўлиши,
қувончлари билан қувониши, уларни
дўст ва уни деб билиши ҳамда буни
амалда кўрсата олиши лозим.*



*Устоз-мураббий ўқувчиларининг
камчиликларини ахтарадиган эмас,
балки, камчилик ва хатоларини
яшириб, уларни ислоҳ қилишга,
тузатишга уринадиган кишидир.*

*Муҳаббат икки қалб орасидаги
куч-қувват манбаидир. Тарбиянинг
соғломлиги ана шу куч манбаининг
пайдо бўлишига боғлиқ.*

*Устоз-мураббий қалб эшигини
ўқувчиларига охиригача очсинки, ўқувчи
ундан баҳра олиб, эътибор кўрсатсин.*

Бир устоз-мураббийга нисбатан
бўлган муҳаббат у ўргатадиган
нарсаларга бўлган қизиқишни ҳам
оширади. Устоз-мураббийнинг
ўқувчиларига муҳаббат ва марҳамат
билан яқинлашиши у етказган
хабарларни ақлий йўлдан кўра кўпроқ
қалбий йўл орқали етказишини
таъминлайди.

*Устоз-мураббий дарсга кираётганда
муқаддас илм даргоҳига
кираётганини ҳис қилиши, унга
ҳурмат ила қараши лозим.*



87

*Қалбга етиб бормаган билим
маърифатга айланмайди.*

*Тарбиячилар болаларнинг қалб ва
фикрларига таъсир кўрсатиб, уларнинг
дунёқарашларини шакллантиради.
Шунинг учун улар келажак бунёдкори
ҳисобланадилар.*

*Илм ва маърифатни тақво
уйғунлашган қалб ила ўргатиш лозим.
Шундагина у таъсир қилади. Устоз-
мураббий ўқувчисига муҳаббат билан
боқади. Муҳаббат ила қадалган уруғ
абадийдир.*



90

*Тарбиячида шафқат ва марҳамат
туйғулари кучли бўлиши лозим.*

*Илм толибига даволашга муҳтож
қушдек қараб, унга шафқат ва
марҳамат билан яқинлашиш керак.
Шафқат ва марҳамат соғлом
виждонли инсонларни тарбиялашда
энг таъсирли кучдир.*



92

*Марҳамат тарбиячининг қалбида ҳеч
сўнмайдиган олов кабидир.*

*Марҳамат ва шафқатдан маҳрум,
манфаатпараст инсонни тарбиячи
қилиб қўйиш инсониятга зулм
қилишдир.*

Гул-чечакларнинг гўзал манзаралари
энг қўпол ва тошбағир одамлар
қалбини юмшатгани каби инсонларга
раҳбарлик қилувчи (мураббий) кишилар
ҳам ана шундай гул табиатли бўлиши,
энг қаттиқ қалбларни ҳам юмшатиб,
энг маҳзун чеҳраларни ҳам табассум
қилдира олиши керак.

*Устоз-мураббий эътиборли
бўладиган жиҳат — нуқсонни ўзидан,
муваффақиятни Раббисидан деб
билишдир.*

Устоз-мураббий ўз касбини ҳурмат
қилган ҳолда, уни ўзи учун улкан
неъмат ва илоҳий лутф деб билиши,
бунга шукрона сифатида эса
ўқувчисини маънавий бойитишда ўз
жавобгарлигини ҳис қила
олиши керак.

Ҳар қандай устоз-мураббийда “менлик”
ва “саркашлик” ўз ўрнини “ишқ” ва
“муҳаббат”га бўшатиши лозим.

*Устоз-мураббийнинг ҳаёти самимий
ва дабдабадан узоқ олийҳимматлик
ва фидойи меҳнат асосига барпо
қилиниши керак.*

*Ҳар янги кун умр тақвимида очилган
тоза саҳифадир. Олдингдаги бу
оқ саҳифани чиройли кўринишда
тўлдириш эса ўз қўлингда.*



100



*Устоз-мураббий ўқувчилари билан
ўтказадиган ҳар онни охирги
нафасидек ҳис ила қадрлаши, ҳамд ва
шукрда бўлиши керак.*



101

*Фарзанд ота-онаси ва устози
берадиган таълим-тарбияга
муҳтождир. Охиратда эса ота-она
ва устоз тарбиялаб вояга етказган
тарбияланувчисидан келадиган ҳар
қандай хайр-дуо ва садақи жорияга
муҳтождир.*





Қуръон ва суннатга оид ҳаётий йўриқлар

Сўзларнинг энг гўзали Аллоҳнинг каломидир.

Йўлнинг энг яхшиси суннат йўлидир.


Энг кучли бошпана тақводир.

Каломнинг энг шарафлиси Аллоҳнинг зикридир.

Қиссаларнинг энг гўзали Қуръондадир.

*Нурли йўллар пайғамбарларнинг ҳидоят йўллари*дир.

Илмнинг яхшиси ва фойдалиси маърифатга айланганидир.





Шукр қилинган оз мол шукр қилинмаган кўп молдан яхшироқдир.

Энг ёмон баҳона ўлим ондагидир.

Энг ёмон пушаймонлик қиёмат кундагидир.

Хатоларнинг энг каттаси ёлғончиликдир.





*Бойликларнинг энг афзали қалб бойлигидир,
қаноат билан бой бўлишдир.*

Энг яхши иймон қалбларда ўрнашганидир.



*Закотсиз, нафақасиз ва садақасиз пул охиратда юзни қора
қилади.*

Касбнинг ёмони судхўрликдир.

Энг қаттиқ кўрлик ҳақиқат йўлига киргандан кейин адашишдир.

Энг ёмон кўрлик қалб кўрлигидир.

*Бир инсоннинг тўғри йўлни топишига сабабчи бўлиш қуёш
чиққан ва ботган (яъни дунёдаги) барча нарсадан афзалроқдир.*



*Ҳидоятга сабабчи бўлиш ҳам қалбий тарбиянинг
натижасидир.*

*Исрофнинг ҳар бири бошқасидан бадтардир. Бироқ
энг аянчли исроф “инсон исрофи”дир.*